



## СОЦИОМАДАНИЙ ИДЕНТИКЛИКНИНГ ИНДИВИДУАЛ ЖИХАТЛАРИ

**Бехзод Эрназаров**

*ЎзМУ "Социология" кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада муаллиф «идентиклик», «менталитет», «социал характер» каби тушунчаларни социологик тоифа сифатида англашнинг асосий жиҳатлари ва турли илмий ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, миллий идентиклик назариясининг моҳиятини очиб бериш кўрсатиб ўтилган

**Калит сўзлар:** идентиклик», «менталитет», «социал характер, йўқотилган авлод, миллий идентиклик, ўзликни англаш, атроф-муҳит фазоси

## ОТДЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ СОЦИОМАДАНСКОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ

**Бехзод Ерназаров**

*Преподаватель кафедры "социология" УзМУ*

**Аннотация:** Автор в статье показывает основные аспекты понимания таких понятий, как "идентичность", "менталитет", "социологический характер" как социологической категории, и проводит сравнительный анализ различных научных подходов, а также раскрывает сущность теории национальной идентичности.

**Ключевые слова:** Идентичность", "менталитет", "социальный характер", Потерянное поколение, национальная идентичность, самосознание, экологическое пространство

**Behzod Ernazarov**

*Lecturer of the Department of "Sociology" of UzMU*

**Abstract:** The author in the article shows the main aspects of understanding such concepts as "identity", "mentality", "sociological character" as a sociological category, and conducts a comparative analysis of various scientific approaches, as well as reveals the essence of the theory of national identity.

**Keywords:** Identity", "mentality", "social character", Lost generation, national identity, self-awareness, ecological space

Бугунги кунда кечаётган дунёнинг глобаллашуви жараёнлари ижтимоий фанларларда «идентиклик» масаласига берилаётган ўзига хос ёндашувларни атроф-муҳитда рўй бераётган социомаданий ўзгаришлар, жумладан дунё харитасида янгитдан пайдо бўлган давлатларнинг таснифи билан ҳам акс эттиради. Идентиклик (идентификация) атамаси инглиз тилидан (identity)



олинган бўлиб – «айнанлик», «мансублик» маъноларида қўлланилади.<sup>118</sup> Идентиклик кичик социал гуруҳлар, синфлар, худудий бирликлар, этник ва миллий гуруҳлар, халқлар, социал ҳаракатлар, шунингдек, давлат ва глобал миқёсда бутун бир инсоният билан боғлиқ тушунчадир. Бунда инсон социал муносабатлар тизимидаги маданий субъект, ёки агент (ташувчи) сифатида ўзини идрок этади, ҳис этади ва баҳолайди. Социумда инсон бир пайтнинг ўзида ўзини бир неча социомаданий бирлик ва гуруҳлар билан идентификациялаши мумкин.<sup>119</sup> Социомаданий идентикликнинг индивидуал жиҳатлари озми-кўпми чегараланган тизимга эга бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларини иерархик тартибга солинганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бунда шахс ўзини айрим гуруҳ ва бирликларга маълум жиҳатдан яқинлик нуқтаи назаридан «тегишли» деб ҳисоблайди.

Идентиклик ижтимоий ривожланиш жараёнида пайдо бўлиб, муайян яхлик структурага дахлдорлик ҳисси билан боғлиқ ҳолда, инсон томонидан ўзининг ана шу структурани бир қисми эканлиги ва унинг таркибида муайян аниқ ўринга эга эканлигини англашни билдиради. Идентиклик кишига ўз эҳтиёжларини қондириш ва жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида унга энг оғир азоб – буткул ёлғизлик ва шубҳалардан халос бўлиш имконини беради. Шулардан келиб чиқиб, биз «идентиклик» тушунчасига ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни бердик: **«Идентиклик – бу ривожланиш жараёнида пайдо бўлади ва муайян яхлит структурага мансублик ҳиссини туйиш, шунингдек, шахснинг айнан ушбу структурага тегишли эканлиги ва унинг таркибида муайян аниқ ижтимоий гуруҳнинг бир қисми эканлигини англашни билдиради. Идентиклик воситасида инсон ўзи мансуб бўлган ижтимоий макондаги социомаданий эҳтиёжларини қондиради ва у орқали жамиятда ўз ўрнини топади».** Шундай бўлсада, айрим ҳолатларда идентиклик миллий руҳ, характер ва ўзликни англаш омиллари билан эътироф қилинади.

Жамиятда етакчи ва устун ҳисобланган социомаданий идентификация одатда, нафақат шахсни, балки социумда истиқомат қилаётган авлодларнинг ҳам ўзини ҳар томонлама ижобий баҳолаши ёки социал муҳитга муваффақиятли ижтимоийлашуви билан боғлиқ муносибликларни акс эттиради. У ёки бу идентификациянинг ижтимоий структурадаги ўрни социомаданий контекстнинг ўзгариши таъсирида алмашиши мумкин. Масалан, ҳар бир даврнинг бошқарув аппаратидаги ўзгаришлар янги шахсларро ёки авлодларро идентификацияни пайдо қилиши мумкин. Жумладан, XX асрнинг 30-60 йилларидаги инсонлар учун нон мукофот ролини бажариши муқаррар эди. Аммо бугунги кун авлодига ноннинг қадрини андронд тизимидаги техник воситалар (компьютер, телефон, турли маиший техника буюмлари) қиймати

<sup>118</sup> Қаранг: Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент., NOSHIR, 2015. – Б. 41-42.

<sup>119</sup> Шнейдер Л.Б. Профессиональная идентичность: - М.: МОСУ, 2001. – С. 15.



билан солиштириш мутлақо тушунарсиз ҳолат ҳисобланади. **Лотинча (identus – айнанлик, мансублик, ўхшашлик)** - шахс томонидан ўзининг қайси социал гуруҳга мансублиги ҳамда шу социал гуруҳ доирасида ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маиший, ахлоқий стереотипларга амал қилиниши. Идентиклик инсонда «МЕН кимман», «МЕНИНГ бошқалардан фарқим нима» деган саволлар асосида вужудга келади ва бунда инсон ўзликни англаш жараёнидаги мураккаб йўлни босиб ўтади.<sup>120</sup>

Яқин вақтларгача «идентиклик» тушунчаси илмий баҳс-мунозараларда деярли ишлатилмас ва қўлланмасди. Мазкур атаманинг назарий ва эмпирик ўрганиш предмети бўлмаган. У монография, дарслик ва журнал материалларида учрамасди. Бу тушунчани ҳатто фалсафа, психология луғатларининг сўнгги нашрларида ҳам учратмаймиз. Фақат сўнгги ўн йилликларда «идентиклик» атамаси миллий матбуот саҳифаларида пайдо бўла бошлади. Шундай бўлса-да, у ҳамон аксарият ўқувчилар учун нотаниш, тушунарсиз бўлиб, одатий илмий категориал аппаратга қийинчилик билан мослашмоқда.

Миллий идентикликни тушунишда ёндашувлар таҳлилини мутахассислар инструментал, примордиал ва конструктив ёндашувларга ажратадилар. Айнан шу ёндашувлар идентиклик омилини белгилашда кўплаб мунозара ва бахсларга сабаб бўлмоқда.

Идентиклик ривожланиш жараёнида пайдо бўлади ва кишиларнинг муайян яхлит структурага дахлдорлик ҳиссини туйиш асосида ўзининг муайян аниқ ўринга эгаллигини у орқали намоён этишини англатади. Идентиклик инсонга ўз эҳтиёжларини қондиришга ва жамиятдаги ўз ўрнини топишга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида инсонга энг оғир азоб, яъни буткул ёлғизлик ва шубҳалардан халос бўлиш имконини беради.

Тадқиқот ишимизда қорақалпоқ халқи идентиклигини ўрганар эканмиз, ундаги «миллий идентиклик» ҳақидаги тасаввурни С.Шульман, П.Альтер концепциялари ва К.Левиннинг «майдонлар назария»ларига таяниб методологик асос сифатида кўриб чиқдик. С.Шульманга кўра «миллий идентиклик» таълимоти учта асосий жиҳатга ажратилиб тадқиқ этилган. Булар:

- 1) этник идентиклик (этник гуруҳлар);
- 2) фуқаролик идентиклиги (ягона давлатга бирлашув);
- 3) маданий идентиклик тузилмасида миллатнинг ижтимоий маданий бирлиги.<sup>121</sup>

Шульман ғоясига кўра маданий омилларни диний қадриятлардаги умумийлик, тилнинг бирлиги ва бошқа интеграллаштириувчи жиҳатлар ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ушбу концепцияда миллий идентиклик структурасининг компонентларини қорақалпоқ миллий идентиклиги, яъни

<sup>120</sup> Фромм Э. Бегство от свободы. М.: АСТ. 2009 – С. 22.

<sup>121</sup> Шульман С. Критика противопоставления «гражданский-этнический» и «восточный-западный» в изучении национализма. // Журнал Вопросы национализма. 2015. № 2 (22). – С. 46



қорақалпоқларнинг Ўзбекистон таркибидаги идентиклиги мисолида тадқиқ этишни илгари сурдик. Социологик нуқтаи назардан қаралса халқларнинг этник идентиклиги уларнинг ижтимоий ҳолати ва тарихи билан бевосита боғлиқ бўлади.

«Миллий идентиклик» таълимоти П.Альтер назариясига кўра мавжуд компонентларни маданий-миллий идентиклик ва фуқаровий-сиёсий монандликка ажратади. Унга кўра маданий-миллий идентиклик асосини – анъаналар, урф-одатлар, диний эътиқод, тил умумийлиги қамраб олади. Фуқаровий ва сиёсий идентикликнинг шакллари эса социумда истиқомат қилаётган аҳоли қатламининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти ривожланиши билан боғлиқ бўлган интеграллаштирувчи омил, яъни жамоавий идентиклик ташкил этади.<sup>122</sup>

Америкалик тадқиқотчи К.Левин ўзининг «майдонлар назарияси» таълимотида идентиклик: а) «субъект» (индивид/давлат), б) «атроф-муҳит фазоси» (E-environment) ва в) «ҳаёт фазоси» (L-life) орқали шакллантирилади. Идентиклик (I-identity)ни моделлаштирар экан, К.Левин географик, тарихий, диний, тил ва бошқа шу каби унсурларни қуйидаги формулага солади, яъни I=E-L ёки «идентиклик» (I) «худуд», «иқлим» (E) асносида «цивилизациялар», «мафкуралар» (L)га таяниб миллийликни ташкил этади.<sup>123</sup>

XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб дунё харитасининг кескин ўзгариб бориши ва бир қатор мустақил давлатларнинг вужудга келиши илмий мулоқотда «ўзликни англаш» ғоясини гиперидентиклик шаклида ривожлантириб борди. Социумда этник ва фуқаролик мансубликни қўллаб-қувватлаш ёки улардан бутунлай воз кечиш геометрик прогресс асосида кучайиб кетди<sup>124</sup>. Ўз навбатида ушбу омилнинг у ёки бу маънода тезлашиши маълум бир этник жамоалар учун норасолик, чекланиш, этник гуруҳ вакиллариининг ўзлик учун уялиш ҳиссини келтириб чиқаради. Идентикликда ўзидаги мансубликка нисбатан салбий муносабатда бўлиш, шахснинг атроф билан ижтимоий маданий мулоқотга киришишида маълум қийинчиликларни сезишга олиб келади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2015.

<sup>122</sup> Қаранг: Степаненко О.А. Поиск идентичности как константа немецкой культуры. // Журнал: Вестник Ленинградского гос.унив. им. А.С.Пушкина. 2013. № 7. – С. 80-90

<sup>123</sup> Левин К.Теория поля в социальных науках. СПб., 2000. – С. 67-68

<sup>124</sup> Isropilov M. B. THE ROLE OF PR TECHNOLOGIES IN ENSURING THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF SOCIETY //Open Access Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 729-735.



2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М.Мирзиёев. –Т.: Ўзбекистон, 2016. -56 б.

3. Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент., NOSHIR, 2015. – Б. 41-42.

4. Шнейдер Л.Б. Профессиональная идентичность: - М.: МОРУ, 2001. – С. 15.

5. Степаненко О.А. Поиск идентичности как константа немецкой культуры. // Журнал: Вестник Ленинградского гос.унив. им. А.С.Пушкина. 2013. № 7. – С. 80-90

6. Левин К.Теория поля в социальных науках. СПб., 2000. – С. 67-68

7. Isropilov M. B. THE ROLE OF PR TECHNOLOGIES IN ENSURING THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF SOCIETY //Open Access Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 729-735.